

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ

ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ

TECHNICAL SCIENCES

№3 (2019)



TOSHKENT-2019

DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9696>
Техника фанлари / Технические науки / Technical sciences
№3 (2019) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9696-2019-3>

Бош муҳаррир
Главный редактор
Chief Editor

Мардонов Ботир - техника фанлари доктори, профессор, "Табий тоаларни дастлабки ишлаш технологияси" кафедра профессори.

Бош муҳаррир ўринбосари
Заместитель главного редактора
Deputy Chief Editor

Хакимов Шеркул Шергозиевич - техника фанлари доктори, доцент, "Технологик машиналар ва жиҳозлар" кафедра доценти

Техника fanlari jurnal tahririy maslahat kengashi
International Editorial Board of the Journal of technical Science
Международный редакционный совет журнала технических наук

05.01.01 - Muhandislik geometriyasi va kompyuter grafikasi. Audio va videotexnologiyalari // Геометрия и компьютерная графика. Аудио и ведиотехнологии // Engineering geometry and computer graphics. Audio and vediotchnologies

Lachashvili Tamaz
Gruziya Respublikasi

05.08.06 - G'ildirakli va gusenitsali mashinalar va ularni ishlatish // Колеса и гусеничный машин и их использование // Wheels and caterpillars and their use

Ismailov Kubaymurod - t.f.d., prof.
Egamov Abdurashid - t.f.n., dosent.
Adilov Oqbuta Karimovich - t.f.n., dosent.

05.09.02 - Asoslar, poydevor va yer osti inshootlari. Ko'prik va transport tonnellari. Yo'llar, metropolitenlar // Фундаментов, Фундаментов г подземных сооружений. Мостов и тоннажа транспортных средств. Дороги пригородные. // Bases, foundation and underground structures. Bridges and traffic tonnages. Roads are suburban

Ismailov Kubaymurod - t.f.d., prof.
Qoraqulov Xolmeli

05.09.05 - Qurilish materiallari va buyumlari // Строительные материалы и изделия // Building materials and articles

Akramov X. - t.f.d., prof.
Bozorov Isroil - t.f.n., dosent.
Berdiyev Obloqul - t.f.n., dosent.

Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ TECHNICAL SCIENCES

Р.С. Шукуров

Бухоро давлат университети доценти

Г.М. Акрамова

Бухоро давлат университети ўқитувчиси

ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР ОРҚАЛИ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУҲИМ ОМИЛ СИФАТИДА



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9696-2019-3-6>

Recommended citation: R.S. Shukurov, G.M. Akramova. As an important factor in the formation of a healthy lifestyle in schoolchildren through moving games. Journal of Technical sciences-3-2019-P. 26-31.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада умумтаълим мактаби ўқувчиларини ҳаракатли ўйинлар орқали соғлом турмуш тарзини шакллантириш муҳим омили сифатида жисмоний тарбия дарсларида ҳаракатли ўйинларни самарали қўллаш, ташкил этиш ва ўтказиш, ўқувчи - ёшларни ҳар томонлама соғлом, баркамол бўлишида ўйинларнинг ўрни, аҳамияти ва афзалликлари каби масалалари ёритилган.

Таяч сўзлар: сифат, элемент, тезлик, ўсмир, рол, эътиқод, онг, восита, ўйин, метод, техник, тактик, усул, респондент, жинс, қобилият, эҳтироз.

Р.С. Шукуров

Бухарский государственный университет доценти

Г.М. Акрамова

Бухарский государственный университет преподаватель

ФОРМИРОВАНИЕ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ У ШКОЛЬНИКОВ ЧЕРЕЗ ПОДВИЖНЫЕ ИГРЫ КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР

АННОТАЦИЯ

В этой статье школы подвижных игр в качестве важного фактора в формировании здорового образа жизни через уроки физического воспитания игры, мероприятия, организация и проведение студентов - молодых людей во всех аспектах здорового, гармоничного и важности роли, которую играет преимущества, такие вопросы.

Ключевые слова: качество, элемент, скорость, молодость, роль, религия, ум, СМИ, развлечение, метод, техническая, тактическая, методы, респонденты, пол, способность, страсть.

R.S. Shukurov

Bukhara State University of Associate Professor

G.M. Akramova
Bukhara State University, Lecturer

AS AN IMPORTANT FACTOR IN THE FORMATION OF A HEALTHY LIFESTYLE IN SCHOOLCHILDREN THROUGH MOVING GAMES

ANNOTATION

This article highlights the importance of the effective use, organization and conduct of physical games in physical education classes, as well as the role, importance and benefits of games for the overall health of young people as a key factor in shaping healthy lifestyles for high school students.

Keywords: Quality, element, speed, adolescent, role, belief, mind, motor, play, method, technique, tactic, method, respondent, gender, ability, passion.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, маънавий ва жисмоний соғлом авлодни шакллантириш, таълим тизимида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш, мактабда таълим-тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш муаммолари давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланди.

Республикамизда ушбу йўналишларда муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва улар соғлом авлодни ижтимоий-маънавий муҳофаза этиш ҳолатининг сифат кўрсаткичларини кескин оширишга асос бўлмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги, Қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги "Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора - тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-3031-сон Қарорлари шулар жумласидандир.

Ҳукуматимиз томонидан маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш соҳасида амалга оширилаётган мазкур устувор йўналишлар жамиятнинг барча институтларидан шу жумладан, таълим тизимининг муҳим бўғини ҳисобланган мактаб таълими муассасалари ушбу масалаларга масъулият билан ёндашишни тақозо этади. Маънавий ва жисмоний соғлом авлод тарбияси негизида соғлом турмуш маданияти қирралари асосий мезон ҳисобланади. Ушбу мезонлар эса ўқувчиларда мактаб давридан бошлаб фаол шаклланади. Бироқ, тадқиқотларнинг кўрсатишича, мактаб таълими муассасаларида ўқувчиларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш самарадорлигини таъминлашга салбий таъсир этувчи баъзи камчиликлар ҳам мавжуд. Жумладан, айрим туман ва шаҳарларда ҳамда аҳолиси зич жойлашган чекка қишлоқ ҳудудларда жисмоний тарбия дарсларини самарали ташкил этиш, ўқувчи - ёшларни бўш вақти унумли ташкил этишдаги, уларни қизиқишларини инобатга олиб, дарсдан кейин ташкил этиладиган спорт турлари бўйича тўғарақларга йўналтириш каби бир қатор камчиликларни бартараф этиш бугунги кунда ўз ечимини топиши керак бўлган долзарб масаладир.

Бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти олдида турган асосий вазифа бу аҳолини солаватлиги мустаҳкамлаш ва айни ёшлик чоғидан бошлаб соғлом турмуш тарзи тамойилларига ўргатиш, кўникмаларини шакллантиришда жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига кенг жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Шундай экан ўқувчи - ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ҳаракатли ўйинлар муҳим

восита эканлигини назарий чуқур ўрганиш ва амалиётга тадбиқ этиш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Узлуксиз таълим жараёнини амалга ошириш давомида ёшларимизни соғлом турмуш тарзига интилиши кўникмаларини шакллантириш ҳисобига нафақат саломатлигини мустаҳкамлаш, балки барча эзгу ниятлари рўёбга чиқади. Чунки ёш авлоднинг тани соғлом бўлгани сайин унинг ақли ва тафаккурлаш қобилияти тиниқлашади, яъни маънавий пок ва жисмонан бақувват авлод тарбияланган бўлади. Келажак авлодни соғлом, жисмоний жиҳатдан етук бўлиб етишишида, айниқса ўқувчи ёшларни ҳаракатли ўйинлар орқали тарбиялаш муҳим восита саналади. Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш, ўқувчи - ёшларини жисмоний тайёргарлик даражасини ва соғлигини мустаҳкамлашда, ҳаёти давомида қийинчиликларни енгишда айниқса, соғлом ҳаёт кечиришида, ҳаракатли ўйинлардан унумли фойдаланиш ўта аҳамиятли педагогик муаммо саналади.


Соғлом турмуш тарзи маданиятининг асосий воситаси ҳақида мутафаккир бобомиз Абу Али Ибн Сино "Бадан тарбия кишини чуқур ва кетма - кет нафас олишга мажбур қилувчи ихтиёрий ҳаракатдир" деб таъкидлайдилар (4).

Соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг асосий омили ҳисобланган жисмоний тарбия ва унинг аҳоли ўртасида тарғибот қилиш масалалари бўйича республикамиз олимлари И.А.Кошбахтиев 1995; Р.С.Саломов 2003; Э.А. Сейтхалилов 2000; Т.С. Усмонходжаев 1992; Р.Д. Холмухаммедов 1990; Р.М. Матқаримовлар ва бошқа олимлар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

О.А.Рисхиева (1982), Ф.Насриддинов, Ф.А.Керимов (2004), Т.С.Усмонхожаев (2006), Д.Д.Шарипова (2010) ва бошқа соҳанинг Республикамиздаги етакчи олимларининг СТТ нинг мазмуни, унинг жамият аъзоси ҳаётидаги аҳамиятига оид мақолалари, рисола ва ўқув қўлланмалари мавжуд.

Республикамизда ҳаракатли ўйинларни ўрганиш ва ривожлантириш оммалаштириш, ўқувчи - ёшлар ҳаётида ҳаракатли ўйинларнинг аҳамияти Ф.Н.Насриддинов, Т.С.Усмонхўжаев, Ф.Хўжаев, К.Рахимқулов, Б.Нигманов А.Ш.Қосимов, Б.Б.Кипчаков, О.О.Пўлатов, Ф.М.Салимов, Р.А.Қосимова, М.А.Қурбонова, Ф.Қ.Ахмедов, М.У.Қосимовалар ва бошқалар илмий - тадқиқот ишлари ҳамда ўқув - методик, ўқув йўлланма ва дарсликлар нашр этирилган.

Ҳаракатли ўйинлар ўзига хос бўлиши мумкин. Жамоа бўлиб ўйналадиган (гуруҳ) ҳаракатли ўйинлар алоҳида педагогик аҳамиятга эга. Жамоа бўлиб ўйналадиган ҳаракатли ўйинлар ҳар доим мусобақаланиш элементи ўзига хос бўлиб, ҳар бир киши ўзи учун ёки ҳар бир киши ўз жамоаси учун, шунингдек, белгиланган мақсадга эришишида қизиқишни уйғотишда бир-бирига ёрдам бериш, ўзаро ёрдамдан иборат бўлади. Жамоа ўйинлари учун ўзига хослиги шундаки, ўйинда ҳамма вақт ҳолатнинг ўзгариб туриши, ўйинчилардан тезлик реакцияси талаб қилинади. Бироқ ҳаракатли ўйинлар мажмуаси бўйича мусобақа ўтказишнинг педагогик қиммати шундаки, бунга ҳар хил жисмоний сифат ва малакаларни тарбиялашга ёрдам берадиган, турли-туман ўйинлар киритилади. Ҳаракатли ўйин мажмуаси бўйича ўтказиладиган мусобақада ҳар хил ёшдаги болалар, ўсмирлар, ёшлар ва катталар қатнашишлари мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳаракатли ўйинлар методик жиҳатдан ўзига хос бўлади. Яъни:



Харакатли ўйинлар нафақат восита бўлади, балки болани жисмоний тарбия методи бўлиб ҳам ҳисобланади. Ҳаракатли ўйинлар жисмоний тарбия ва ўйин методи воситаси сифатида жисмоний сифатларни такомиллаштиришга ва тарбиялашга ёрдам беради. Бундан ташқари, ҳаракатли ўйинларда гимнастика, енгил атлетика, кураш ва бошқа спорт турлари машғулотида алоҳида малака ва кўникмаларни ҳамда табиий ҳаракатларни мустаҳкамлайди ва такомиллаштиради.

Шу ўринда ўқувчиларнинг барча ўқув фанларига хос бўлган ақлий ва жисмоний ҳаракатлардан ташкил топган ўқувчи фаолиятининг усули сифатида қараладиган умумўқув кўникмаларини ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади. Ёш авлодни жисмоний жиҳатдан соғлом ва бақувват қилиб тарбиялаш ҳозирги кунда долзарб муаммо сифатида қаралади. Жисмоний тарбия бутунлигича ҳаётнинг ҳамма ёш давларини қамраб оладиган узлуксиз жараён сифатида қаралади.

Ёшларимизнинг бахт-саодатга эришишини таъминлаш учун уларнинг ҳаёт фаолияти давомида, соғлом турмуш тарзига интилишини шакллантирилиши муҳим аҳамият касб этади. Шу билан биргаликда, ўқувчи-ёшларимиз онгига турли иллатлардан узоқ юриш, жисмоний тарбия ва спорт турлари билан машғул бўлиш каби ижобий фикрларни сингдириш долзарбдир.

Жисмоний тарбия ва спортнинг мазмунида ҳаракатли ўйинлар ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий - тарбиявий жиҳатлари мавжуд бўлиб, барча таълим муассасаларининг "Жисмоний тарбия" дастурларига ҳаракатли ўйинлар алоҳида бўлим қилиб киритилган. Ҳаракатли ўйинларни мақсадли равишда танлаш ва ўргатиш ёшларни ҳар томонлама тарбиялашнинг асосий мезони ҳисобланиб, касб - ҳунар билан боғлаш ҳозирги давр таълим - тарбия жараёнларининг самарадорлигини оширади.

Ҳаракатли ўйинлар жисмоний тарбиянинг муҳим турларидан бири бўлиб, мазмун ва мақсад жиҳатдан мақомга эга. Ҳаракатли ўйинларни таълим муассасаларида ташкил қилишнинг асосий мақсад вазифалари шундаки, саломатлигини яхшилаш,

Ўқувчиларнинг камолотини ўстириш, соғлом турмуш тарзига завқли дамларини кўпайтиришга қаратилган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳаракатли ўйинларни ташкил қилишда ўқитувчи, мураббийлардан ижодий ёндашишни талаб қилинади. Ўқувчи - ёшлар ҳаракатли ўйинларни кўпроқ ўрганиб, уларни амалда қўллаш усуллари пухта ўзлаштириб олиши мақсадга мувофиқ бўлиб, ўқувчи-ёшларнинг чинаккам баркамол, соғлом бўлиб етишишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳаракатли ўйинлар мазмунида миллий қадриятлар, меҳнат самарадорлигига эришиш, Ватанга садоқат, соғлом турмуш тарзи, ёшларни тарбиялаш, руҳий озиқа олиш каби инсоний фазилатлар тўла мужассамлашган. Бироқ ўқувчи - ёшларни жисмоний тарбия дарсларига тўлақонли жалб қилиш, ҳаракатли ўйинларни ташкил қилиб ўтказишда қизиқишини ошириш, ўйинлар воситасида соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом ҳаёт кечириш кўникмаларини шакллантириш, жисмоний сифатларини ривожлантириш ва дарсларда ҳаракатли ўйинларни қўлланилишига оид муаммоларни ўрганиш мақсадида 50 нафар мактаб ўқувчилари ўртасида сўровнома ўтказдик (сайланма усул тариқасида).

(1- жадвал)

Гр	Саволнома	Ҳа	Йўқ	Қисман
1	Жисмоний тарбия дарсларида ҳаракатли ўйинларни ташкил қилиб ўтказилиши сизни қониқтирадими?	19	27	4
2	Жисмоний тарбия ўқитувчининг ҳаракатли ўйинларнинг мазмун моҳиятини тушунтирадими?	16	24	10
3	Дарсдан ташқари ўтказиладиган спорт тўғрисида, сиз танлаган спорт тури машғулотида ҳаракатли ўйинлардан фойдаланилардими?	17	29	4
4	Ҳаракатли ўйинларни соғлигингизни мустаҳкамлашдаги аҳамияти ҳақида фикрингиз?	44	4	2
5	Жисмоний сифатларни ривожлантирувчи ҳаракатли ўйинларни биласизми?	19	26	5
6	Ўзбек миллий ўйинларини биласизми?	16	28	6

Ўқувчилар иштирокида ўтказилган сўровнома натижалари шунини кўрсатадики, турли хилдаги мазмунга эга ҳаракатли ўйинлар респондент ўқувчилар ҳаётида, маънавий ва жисмоний тарбиясидаги аҳамияти сўровнома таҳлилида ўз аксини топди:

Саволномани биринчисида: "Жисмоний тарбия дарсларида ҳаракатли ўйинларни ташкил қилиб ўтказилиши сизни қониқтирадими?" - деб берилган саволларга респондентларнинг 21 нафари "Ҳа" жавобини, 23 нафари "Йўқ", 6 нафари эса "Қисман", деб фикр билдиришган.

Саволномани иккинчисида: "Жисмоний тарбия ўқитувчингиз ҳаракатли ўйинларнинг мазмун моҳиятини тушунтирадими?" - деган саволга 29 нафари "Ҳа", 14 нафари "Йўқ" ва 7 нафари "Қисман", деб жавоб берди.

Саволномани учинчисида: "Дарсдан ташқари ўтказиладиган спорт тўғрисида, сиз танлаган спорт тури машғулотида ҳаракатли ўйинлардан фойдаланилардими?" деган саволга 17 нафари "Ҳа", 29 нафари "Йўқ", 4 нафари

"Қисман", деб жавоб беришган.

Саволномани тўртинчисида: "Ҳаракатли ўйинларни соғлигингизни мустаҳкамлашдаги аҳамияти ҳақида фикрингиз?" деган саволга ўқувчиларнинг 44 нафар ўқувчи соғлиқни мустаҳкамлашда ҳаракатли ўйинларни аҳамияти ҳақида ижобий фикр билан жавоб берган.

Саволномани бешинчисида: ўқувчилар ҳаётида энг муҳим ўрин эгаллайдиган жисмоний сифатларни ривожлантирувчи ҳаракатли ўйинлар ҳақидаги савол эди. Мазкур саволга 19 нафари "Ҳа", 26 нафари "Йўқ", 5 нафари "Қисман" деб жавоб беришган.

Саволномани охиригисиди: "Ўзбек халқ миллий ўйинларини биласизми?" - деган саволга ўқувчиларнинг 31 нафари "Ҳа", 12 нафари "Йўқ", 7 нафари "Қисман" деган фикрни билдирган.

Сўровнома натижаси шуни кўрсатадики, жисмоний тарбия дарсларида ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш, ўқувчилар томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалари уларда назарий билим олишда ҳамда ўйинларнинг амалиётда қўлланилишидаги муаммолар учраб туришидан далолат беради. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳаракатли ўйинлардан ўқув машғулотида ёрдамчи восита сифатида қўлланилади. Ўйинлар ўқувчи-ёшларнинг фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, ҳаракатли ўйинлар шуғулланувчиларнинг жисмоний тарбия ва спорт машғулотида қизиқишини ошириб, иш қобилиятини тезроқ тикланишини таъминлайди ва умумий жисмоний тайёргарлик, фаол ҳаракат малакаларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда ўқувчиларда соғлом ҳаёт, маънавий етуклик, миллий қадриятларга эҳтирос, ҳаёт давомида турли-туман воқеликларни ҳис этиш меҳнат жараёнида самарадорликка эришишда муҳим восита саналади. Энг муҳими жисмоний тарбия дарсларини, ўйинларни танлашда ва қўллашда, жисмоний ва техник - тактик машқлар шуғулланувчи ўқувчилар ёши, жинси, жисмоний имконияларига мос ҳолда режалаштирилиши ва қўлланиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. П.Хўжаев, К.Д.Рахимқулов, Б.Б.Нигмонов. Ҳаракатли ўйинларни ўқитиш методикаси. Тошкент 2010.
2. Т.С.Усмонхўжаев, Ф.Хўжаев. Ҳаракатли ўйинлар. Тошкент 1992.
3. А.Н.Нормуродов. Ўзбек миллий ўйинлари. Тошкент 1992
4. Абу али ибн Сино. "Тиб қонунлари". Фан. УзССР, 1985 й.
5. Рисхиева О.А., "Абу Али ибн Сино о роли физических упражнений в сохранении здоровья человека " Т., "Ўқитувчи", 1982 г.
6. Керимов Ф.А. Спорт соҳасидаги илмий - тадқиқотлар. Т.. "Zar qalam" 2004.
7. Шарипова Д. Ва бошқалар. Талабаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш. Ўқув - услубий қўлланма. Фарғона нашриёти - 2010 й.

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

M.Shukurova, T.Kenjaeva, M.Ruziyeva

THE CONCEPT OF ICT COMPETENCE OF PERSONNEL.
THE IMPORTANCE OF HAVING ICT COMPLEMENT AND
INFORMATION CULTURE.....3

M.Rahimov, Z.Xamidjonov

ISSIQLIK ELEKTR MARKAZI TURBOGENERATORLARI
SAMARADORLIGINI OSHIRISH.....10

N.Rajabova

SOME USEFUL INEQUALITIES FOR TRIANGLES.....14

R.Shukurov

THE FEATURES OF THE PSYCHOLOGICAL PREPARATION
PROCESS OF TURON FIGHTERS TO COMPETITIONS.....18

А.Нугманов, М.Хасанова, Н.Набиев

ИЗУЧЕНИЕ ПРОЦЕССА КРАШЕНИЯ СМЕСЕВЫХ
МАТЕРИАЛОВ СОВМЕЩЕННЫМ РАСТВОРОМ КРАСИТЕЛЕЙ.....22

Р.С.Шукуров, Г.М.Акрамова

ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР ОРҚАЛИ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА
СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
МУҲИМ ОМИЛ СИФАТИДА.....26

У.Газиёв, Т.Шакиров, Б.Матёкубов

ЕНГИЛ БЕТОНЛАР УЧУН ҒОВАКЛИ ТЎЛДИРУВЧИЛАР
ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ ЗАМОНАВИЙ ТАСАВВУРЛАР.....32

Ш.М. Музафаров, Л.А.Батырова, А.Г. Бабаев

ЛИЧНОСТНО-ОРИЕНТИРОВАННЫЙ ПОДХОД К
СОВРЕМЕННОМУ ОБУЧЕНИЮ И ВОСПИТАНИЮ КАК
ФАКТОР РАЗВИТИЯ СТУДЕНТОВ.....37



ISSN 2181-9696

Doi Journal 10.26739/2181-9696

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ

ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ

TECHNICAL SCIENCES

№3 (2019)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темуր пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000